*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил 6 апрель
ЧОРШАНБА
№ 28 (12872)

www.th.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган


Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

*Инсон умрининг унутилмас лаҳзалари кўп бўлади. Бунга ҳар ким ўз ҳаётидан истаганча мисол келтириши мумкин. Масалан, Бекобод шаҳрилик моҳир педагог Ортиқжон Маъруповадан шу ҳақда сўрасангиз, албатта, биринчи галда ўзи меҳнат қилаётган 16-умумтаълим мактабида эришилаётган ютуқларни завқ-шавқ билан тилга олади. Мана, улардан бир шингили.*

## «БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!»

*Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг шиори шундай*

2006 йилда таълим маскани "Республиканинг энг яхши мактаби" номига сазовор бўлди. Бу ерда ташкил этилган маънавият хонаси вилоят бўйича энг намунали, деб эътироф этилди. Уч йил ўтиб, муассасанинг касаба уюшмаси "Энг намунали бошланғич ташкилот" кўрик-танловининг республика босқичида ғолибликка эришди. Кейинги уч йил ичида мактабнинг уч мураббийи қаторасига мамлакат миқёсида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси", деб топилди. Ўтган йил эса бу ердаги ободонлаштириш-кўкаламзорлаштириш ишлари вилоятдаги барча таълим-тарбия муассасаларига намуна қилиб кўрсатилди. Буёғини сўрасангиз, жамоага раҳбарлик қилаётган Ортиқжон Маъруповaнинг ўзи ҳам 2012 йили республика миқёсида "Энг яхши мактаб директори" деган мартабага лойиқ кўрилди. Қарийб ўн йилдан буён бирор бир ўқув йили йўққи, ушбу мактаб ўқувчиларидан бирортаси республика фан олимпиадаларида иштирок этмаган бўлса...

Бу жамоа эришаётган ютуқларнинг бир қисми, тўғрироғи, бир эслашда ёдга тушганлари, холос. Аслида, бу ерда бошқаларга ўрнак ва намуна қилиб кўрсатишга арзигулик жиҳатлар шу қадар кўпки, улар мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, чунончи, шаҳару қишлоқларимизда янги қурилган таълим даргоҳлари ва уларда эртамиз давомчилари учун яратилган шарт-шароитлар, ўқитувчи ва мураббийлар меҳнати муносиб қадрланаётгани, ўқувчи ёшлар иқтидори мунтасил рағбатлантириб борилаётганининг ёрқин ифодаларидир.

– Касбимиз тақозосига кўра, ота-оналар билан кўп суҳбатлашамиз, – дейди О. Маърупова. – Бундай суҳбатларда гап албатта, фарзандларимиз таълим-тарбияси устида боради. Биласизми, уларнинг гап-сўзлари, юз-кўзларидан ўғил-қизлари камолидан мамнунлик, эртанги кунидан хотиржамлик ҳисси яққол сезилади. Юртбошимизнинг фарзандларимиз тақдири йўлидаги ғамхўрликларини чуқур миннатдорчилик билан эътироф этишади.

Давоми 2-бетда.



## МАТОНАТ ВА ФИДОЙИЛИК ЭЪТИРОФИ

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

*Зангиота туманида янги чегара постининг очилиши ва чегарачиларга атаб қурилган барча қулайликларга эга замонавий уй-жойларнинг калитларини эгаларига топшириш маросими бўлиб ўтди.*



Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари, маҳалла фаоллари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Ҳар тонгни осуда қаршилаймиз. Ким ишга, ким ўқишга, яна кимдир саёҳатга хотиржам отланади. Боғча, мактабларда болажонларнинг шодон кулгуси дилни нурафшон қилади. Обод юртнинг, фаровон элнинг ҳар куни байрамга айланади, тўйлари тўйга уланади. Бу бизнинг энг катта, энг бебаҳо бойлигимиз – тинчлик, осойишталик туфайлидир.

Тинч ва осойишта ҳаётимизни, чегараларимиз дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилишда жасур ва фидойи ҳарбийларимиз, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг хизматлари беқиёс. Бинобарин, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида Қуролли Кучларни ҳар томонлама такомиллаштиришга катта эътибор қаратилаётир. Ҳарбий қисмлар замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланиб, хизматчиларнинг маиший шарт-шароитлари тубдан яхшиланмоқда.

Зангиота тумани ҳокимлиги, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшинлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳудудий бўлинмаси томонидан ташкил этилган маросимда сўзга чиққанлар озод Ватан, она юрт учун хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг шарафли бурчи экани ҳақида сўзлаб, замонавий техник жиҳозлар билан таъминланган чегара постининг янги биноси ҳарбийларимизнинг ўз вазифаларини янада пухталик билан бажаришлари учун катта имконият ва қулайликлар яратишини таъкидладилар.

Инсон ўз оиласи, фарзандлари тақдиридан кўнгли тўқ бўлса, ҳамиша олға интилиб яшайди, эл-юрт олдидаги бурчини сидқидилдан адо этади. Шу маънода чегарачилар оилаларининг ҳаяжонини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳарбийлар шаҳарчасидаги янги турaржойлар бугун 6 нафар оилага чинакам бахтиёрлик шукуҳини туҳфа этди.

– Мустақил Ўзбекистонимизнинг мард, жасур ўғлони, ҳарбий хизматчисининг умр йўлдоши эканимдан фахрланаман, – дейди янги хонадон бекаларидан бири Гўзал Андақулова. – Турмуш ўртоғимнинг ўз вазифасини сидқидилдан адо этишида менинг ҳам ҳиссам бўлса, дейман. Бунақа барча қулайликларга эга, таптайёр хонадонда яшаш ҳар бир аёлнинг орзуси. Ҳарбийларга кўрсатилаётган бундай эътибор ва рағбат, яратиб берилаётган шарт-шароитлар учун ташаккур. Биз ҳам давлатимизнинг бундай ғамхўрликларига муносиб жавоб беришда баб-баравар бурчлимиз, десак янглишмаймиз.

Тадбирда турaржойларнинг қурилишида намуна кўрсатган "Омилкор" масъулияти чекланган жамияти бунёдкорларининг фидокорона меҳнати алоҳида эътироф этилиб, уларнинг бир гуруҳи ҳарбий қисм командирининг фахрий ёрлиғи ва туман ҳокимлигининг эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

**Сайёра ЭШМАТОВА.**

*Мансур НАХАЛОВ олган сурат.*

## ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан эълон қилинган танловда "Жамиятда юксак маънавий-ахлоқий қадриятларни, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлашда маҳалла институтининг роли ва аҳамияти ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш" лойиҳаси билан қатнашиб, давлат грантини қўлга киритган "Қибрай садоси" газетаси таҳририяти бу йўналишда бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.*

Ўзбекистон – умумий уйимиз

Таъкидлаш керакки, газета таҳририяти жамоаси томонидан "Газетада газета" рукни остида миллатлараро тотувлик ва ҳамжиҳатлик мавзуига бағишланган "Меҳр зиёси" саҳифаси кўпчиликда катта таассурот қолдирмоқда. Ушбу саҳифада туманда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлар аъзолари, жамоат ташкилотлари, турли миллатга мансуб ёзувчи, шоир, маданият, маърифат соҳаси вакилларининг мавзуга оид чиқишлари ва фикр-мулоҳазалари эълон қилинмоқда. Келгусида газета саҳифаларидаги ана шу ижод намуналари жамланиб, "Адабий дўстлик – абадий дўстлик" номли китобни чоп этиш режалаштирилмоқда.

Таҳририят ташаббуси билан ташкил этилган навбатдаги семинар-тақдимот ҳам "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзуида бўлди. Унда туманда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлар, Фуқаролик жамиятини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлими мутахассислари, вилоят ҳакамлик суди аъзолари ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Семинар-тақдимотда сўзга чиққанлар мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистонда барқарор ривожланаётган иқтисодиётга эга демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, унда инсон шахси олий қадрият ҳисобланиши ва барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқлари, манфаатлари ва эркинлиги таъминланиб, ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун қулай шарт-шароитлар яратиб берилаётганлиги амалга ошириб келинаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этаётганлигини айтиб ўтдилар.

Тадбир таҳририят ташаббуси билан тумандаги умумтаълим мактабларида "Ўзбекистон – умумий уйимиз" мавзуида ўтказилган иншолар танлови ғолибларини тақдирлаш маросимига уланиб кетди. Шу куни ижодий ишлари алоҳида эътироф этилган бир гуруҳ ўқувчиларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

*Ангрен шаҳар тиббиёт бирлашмасининг кўп тармоқли марказий поликлиникаси "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури доирасида тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.*

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

## ЗАМОНАВИЙ ПОЛИКЛИНИКА АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

– Республикамизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишни тубдан яхшилаш, аҳоли тиббий маданиятини ошириш соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади, – дейди бош шифокор Мамлакат Саидқулова. – Бугун бизнинг муассасамиз ҳам замонавий лойиҳа асосида таъмирланган бинога эга бўлди. Бу ерда ҳудуд аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун барча имкониятлар яратилди. "Саломатлик-3" лойиҳаси бўйича энг сўнгги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. УЗИ, ЭКГ, ташхис ва даволаш аппаратлари, гинекология, жарроҳлик, стоматология ва лаборатория жиҳозлари, физиотерапия хоналари, кундузги стационар аҳоли хизматида.

Таъкидлаш лозимки, муассаса шифокорлари ва ҳамширалари Соғлом она ва бола йили муносабати билан республикамизда 1 апрелга қадар давом этган патронаж ойлиги доирасида ҳудуддаги хонадонларга бориб, зарур тавсия ва маслаҳатлар беришди. Бунда оиланинг ҳар бир аъзоси тиббий маданияти, шахсий гигиена қоидалари, соғлом турмуш тарзига риоя этиши эътиборга олинди.

Бундай саъй-ҳаракатлар ҳамда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар сўнгги йилларда шаҳар маҳаллаларида катталар ва болаларда учрайдиган турли касалликларнинг сезиларли даражада камайишига, энг муҳими, оналар ва болаларнинг саломатлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

**Ўз мухбиримиз.**

Жараён

*Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва унинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бу борада самарали ҳуқуқий база яратилди. Аввало, Конституциямиз мамлакатимиз тарихида илк бор инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шаъни ҳамда қадр-қиммати энг олий қадрият эканлигини белгилаб берди.*

## МУРОЖААТНИНГ ОРТИДА ИНСОН ТУРИБДИ

Айтиш жоизки, фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлари – мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганлигини баҳоловчи мезонлардан биридир.

Шу нуқтаи назардан, давлатимиз раҳбари: "Ҳар қайси мурожаатнинг ортида тирик жон турибди, уларда кимнингдир арз-доди, керак бўлса, дарди, айрим амалдорлар томонидан йўл қўйилган адолатсизлик турганини ҳеч қачон унутмаслик лозим", дея фуқароларнинг мурожаатлари, уларни кўриб чиқиш, ҳал этиш масалаларига ўз муносабатларини билдирганлар.

Давоми 2-бетда.

## КУНДАН КУН ЯХШИ

*Ҳар тонг обод замонамизга, тинч ҳаётимизга шукрона айтиш билан бошланади. Дастурхонимиз тўкин, ҳаётимиз фаровон. Фарзандларимизнинг иш жойлари тайин, невараларимиз илм олиб, касб эгаллашлари учун барча имкониятлар яратилган. Биз, кексалар ҳурмату эъзоздамиз.*

Дилдаги гаплар

Бир пайтлар бундай ҳур замонларни ким туш кўрибди, дейсиз. Биргина Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги машаққатли йилларни эсласам, ҳануз юрагимга оғриқ киради. Тинчлик бўлмагандан кейин бошинг ёстиққа, оғзинг нонга етмас экан. Арпа-буғдой ош бўлур, олтин-кумуш тош бўлур, деган гаплар ўшандан қолган. Минг шукр, бугун ўз донимиз, ўз беминнат нонимизга, тенглар ичра тенг бўлган қадду бастимизга эгамиз.

Бугун чет эллардаги нотинчлик ва хунрезликлар ҳаммани ҳушёрликка чорлаши табиий. Ҳушёрликни эса, аввало, ўз уйимиздан, маҳалламиздан бошлашимиз керак.

Маҳалламизда бир кекса онахон бўларди. Бўш қолди дегунча, овул айланиб, ҳар бир оиланинг туриш-турмушидан хабардор бўлиб турарди. Кимнинг боласи бўлишидан қатъи назар, одоб доирасидан чиқса, тартибга чақирарди. Кўча эшиги ёнидаги супачада ўтириб, бегона одам ўтса кимлиги, кимникига келаётгани билан қизиқарди. Очиғи, бу кўпчиликка эриш туюларди: нима зарил?! Энди билсак, ўша онахон ҳақ экан. Негаки, огоҳ одам қоқилмайди, тинчликнинг қадрига етади.

**Салима ая ЮСУПОВА,**
**меҳнат фахрийси.**

# «БИЗ ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСМИЗ!»

***Бекобод шаҳридаги 16-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг шиори шундай***

Дарҳақиқат, юртимизда таълим-тарбия соҳасига миллий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили сифатида қаралаётир. Масалан, мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига кўра, кейинги йилларда вилоятимиздаги 700 дан зиёд умумтаълим мактаби тубдан янгиланди. Таълим-тарбия даргоҳларида 400 га яқин янги спорт иншоотлари бунёд этилди ва реконструкция қилинди.

Худди шу ислоҳотлар самараси ўлароқ, биз ҳикоя қилаётган муассаса ҳам бутунлай янгича, кўркам қиёфа касб этди. Замонавий таълим жиҳозлари, ўқув дастурлари ва дарсликлар билан таъминланди. Ёшларнинг табиий фанларни, чет тилларини яхши ўзлаштиришлари, спорт билан шуғулланишлари учун мукаммал шарт-шароитлар вужудга келди. Ҳомий ташкилот – "Ўзметкомбинат" акциядорлик жамияти томонидан барпо этилган сунъий қопламали за-

Бошланиши 1-бетда.




монавий стадион ҳам мактаб кўркига кўрк қўшиб турибди.

Айни пайтда таълим муассасасида 980 нафар ўқувчи таҳсил олмоқда. Уларга 48 педагог мураббийлик қилаётир. Бу ерда 27 та тўгарак ишлаб турибди. Уларга 517 ўқувчи мунтазам қатнашади. Мактабдан ташқари тўгараклар ҳам 400 дан ортиқ ўқувчини қамраб олган. Ўқувчиларнинг спорт соҳасида эришаётган ютуқлари ҳам ҳавас қилгулик. 7-синф ўқувчилари Динора Абдужалилова ва Абдураҳмон Довуров таэквандо, кўл жанги бўйича бир неча бор мамлакат чемпионатларида ғолиб бўлишган. Ўнлаб ўқувчилар вилоят, мамлакат миқёсидаги спорт беллашувларида фаол иштирок этишаяпти. Мактабнинг собиқ ўқувчиси Фазлиддин Ғойибназаров Жаҳон олимпиадаси иштирокчиси бўлгани, айни вақтда Рио-де-Жанейро шаҳридаги нуфузли халқаро мусобақага қизғин тайёрларлик кўраётганининг ўзи ҳам мактабда болаларнинг жисмоний тарбия ва спорт борасидаги интилишлари нечоғлик қўллаб-қувватланаётганини англатади, албатта.

Яна бир эътиборли факт. Қаранг, кейинги йилларда мактаб ўқувчиларининг олий таълимга қабул қилиниш кўрсаткичлари мунтазам ошиб бораётган экан. Айтайлик, 2008 йилда таълимнинг кейинги босқичидан сўнг мактаб битирувчиларининг 34 фоизи олий таъ-



лим даргоҳларига кирган бўлса, 2012 йили бу кўрсаткич 44 фоизни ташкил этибди.

Куни кеча зиё маскани яна бир маърифий тадбирга мезбонлик қилди. Мактабда жамоа эришаётган ютуқларни вилоят миқёсида оммалаштиришга бағишланган амалий семинар ташкил этилди. Унда соҳа вакиллари, фаоллар, педагоглар иштирок этишди.

Семинар доирасида мактаб педагогик жамоаси ва ўқувчи-ёшларнинг вилоят ҳокими Содиқ Абдуллаев билан учрашуви бўлиб ўтди.

...Галдаги дарсга қўнғироқ чалингач, ўқитувчи Маҳмуда Йўлдошева 9-синф учун Миллий истиқлол ғояси фанидан навбатдаги сабоқни мактабнинг фаоллар залида, очиқ дарс шаклида ўтиб берди.

Болажонлар билан эркин мулоқот, фикр алмашинув тарзида ташкил этилган дарс қизиқарли мунозараларга бой бўлди. Ҳар бир ўқувчи она Ватан, миллий ғурур, тинчлик қадри, шунингдек, миллий қадриятларимиз, адабиёт, санъат мавзуларидаги фикрларини бурро ифодалашга интилди. Ўқувчи Дилдора Ҳошимбоева ўз туйғуларини шеърга солган экан, ўқиб берди. Унга қўшилиб, ўқувчилар баҳру байтни бошлаб юборишди.

Мактабда ўқувчиларнинг чет тилларни ўзлаштириш кўрсаткичлари ҳам чакки эмас экан. Навоий ғазалларини рус, инглиз тилида шариллатиб ўқиб берган ўқувчи Райҳона Каримовадан шу ёшида чет тилларини қандай қилиб бу қадар мукаммал ўзлаштириб олганини сўраймиз. Ўқувчи қиз хиёл кулимсираб жавоб беради: "We are not worse off anyone, and will never be".

Тўғри айтасан, Райҳона, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам!

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.*

*Эътибор берганмисиз, боғча ёшидаги қизалоқлар дугоналари билан ўйнаркан, кўпинча: "Боғча опа бўламан", дея уларга тақлид қилади. Мактаб ёшидагилар эса ўз ўқитувчиси ролини ўйнайдилар...*

*Демак, ёшларга катталар ўрнак бўлади. Йигит-қизларнинг балоғат даврида бу янада муҳим аҳамият касб этади.*

❑ Таълим

# ЁШЛАР ҚАЛБИГА ЙЎЛ

Тошкент Давлат аграр университетида ташкил этилган семинарда ана шу ҳаётий мавзулар теварагида сўз борди.

"Ўрта махсус, касб-ҳунар муассасаларида фаолият кўрсатаётган директор ўринбосарларининг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳамда маънавий-маърифий соҳалардаги билимларини янада мустаҳкамлаш" мавзуидаги ўқув семинарда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштиришидаги муҳим омиллар, шунингдек, ёшлар тарбияси, уларнинг маънавиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Дарҳақиқат, таълим муассасасида фаолият юритаётган педагог, энг аввало, ўз касбининг етук мутахассиси сифатида сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий билимни пухта эгаллаган бўлиши керак. Бироқ, у юксак маънавият соҳиби бўлмаса, бари бефойда. Негаки, таълим-тарбияда маънавий мезонларнинг ўрни алоҳида. Бугунги шиддаткор ахборот асрида, замонавий тил билан айтганда, мураккаб глобаллашув даврида юксак маънавиятли, теран фикрли ўқитувчигина ёш авлодни ортидан эргаштира олади.

Ўқув ишлари, ишлаб чиқариш таълими, маънавий-маърифий ишлар бўйича жами 330 га яқин директор ўринбосарлари иштирок этган семинар баҳс-мунозараларга бой бўлди. Сўз олганлар "Ёшлар тарбиясида маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини таъминлаш", "Таълим муассасасида маънавий-маърифий ва спорт ишларини ташкил этишнинг долзарб масалалари", "Таълим сифати ва самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш", "Педагог ходимларнинг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрлари" каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Семинарнинг яна бир фойдали жиҳати – унда иштирокчилар лавозим йўналишлари бўйича "Кеча-бугун-эртага" концепцияси асосида тақдимот ўтказдилар. Шунингдек, олган билим ва кўникмалари бўйича тест синовидан ҳам ўтдилар.

Тарбиясиз тарбия эртага аянчли оқибатларга олиб келиши муқаррар. Шу боис ҳам, маърифатпарвар бобокалонларимиздан бири: "Тарбиячининг ўзи тарбияланган бўлмоғи керак", деган экан. Ҳеч шубҳасиз, бундай фойдали ўқув машғулотлар таълим-тарбия фидойиларининг маънавий савияси, интеллектуал салоҳиятини ошириш баробарида, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга изчил ва бекаму кўст татбиқ этилишида фойдали омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

**Дилшод МАМАДИЯРОВ,**
**ТошДАУ академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари билан ишлаш бўйича проректори.**

# ҚУЛАЙ, ТЕЗКОР, ЗАМОНАВИЙ

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан семинар ташкил этилди.*

❑ Семинар

"Маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ҳудудий бошқармалари фаолиятига "электрон ҳукумат" тизимини жорий қилиш ва ривожлантиришнинг долзарб масалалари" мавзуидаги анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, давлат ва хўжалик бошқарув органларининг ҳудудий бошқармалари, вилоят компьютерлаштириш марказлари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди. Тадбирда "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва унинг ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз борди.

– "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши давлат органларининг ахборот-маълумотлар базаларини ягона тизимга бирлаштириб, ўзаро интеграциялаш, бир хил стандартлар асосида электрон шаклда давлат хизматларини кўрсатиш, шунингдек, идоралараро электрон ҳамкорликда "бир дарча" тамойилини кенг жорий этишда муҳим аҳамият касб этади, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Расул Кушербаев.

Тадбирда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга соҳа вакилларидан батафсил жавобларни олишди.

**Наргис ҲАСАНОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# МУРОЖААТНИНГ ОРТИДА ИНСОН ТУРИБДИ

Кундан-кунга халқимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги ва шу билан бирга талаб-эҳтиёжлари ортиб бораётгани эса депутатлар зиммасига катта масъулият ва янги вазифалар юкламоқда.

Биз ушбу масала юзасидан Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати, Қурилиш ва коммунал масалалари бўйича доимий комиссия аъзоси Умид Шоумаровнинг фикрлари билан қизиқдик:

– Айтиш жоизки, ёшлар ва фуқароларнинг таклиф ва талаблари, мурожаат ва сўровларининг ҳеч бирини эътибордан четда қолдирмаслик, унутмаслик ҳар бир депутат ва раҳбар учун чинакам бурч даражасига кўтарилиши керак. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор. Ҳузурин-

Бошланиши 1-бетда.

гизга умид билан, балки минг истиҳолада келган одамдан бир оғиз ширин сўзингиз, амалий ёрдамингизни аямасангиз, унинг кўнгли тоғдек кўтарилади. Фаолиятим давомида кимдир қабулимга кириб, дардини айтса, кимдир телефон орқали муаммоли жойга таклиф қилади. Масалан, бир куни Қуйи Чирчиқ туманидан бир фуқаро қўнғироқ қилди. Кўп болали бу аёл далада ишлаб юриб оёғи шикастлангани, шифокорларнинг эътиборсизлиги сабабли тузала олмаётганини айтиб, ёрдам сўради. Шундан сўнг аёлни топиб, вазиятни ҳар томонлама ўрганиб чиқдим. Аёлни вилоят



шифохонасига ётқизиб, бепул даволанишини таъминладик. Бундан ташқари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раисларидан тушган ичимлик суви, йўл таъмирига доир муаммоларнинг бир қанчаси ҳал этилди.

Бунда албатта, депутатлик сўровлари ўз самарасини бермоқда, десам янглишмайман. Баъзида эса маиший муаммолар билан ҳам мурожаат қилиб келувчилар бўлади. Уларни ҳам ноумид қайтармаймиз. Қўлдан келганча ёрдамимизни берамиз. Чунки, мурожаатнинг катта-кичиги бўлмайди.

**Нозима РАСУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

❑ Агар огоҳ сен...

*Ахборот технологиялари беқиёс даражада ривожланиб, дунё ягона ахборот маконига айланиши баробарида луғат бойлигимизга "глобаллашув", "ахборот хуружи", "ахборот-психологик хавфсизлик", "мафкуравий иммунитет" каби сўз ва атамалар кириб келди.*

# АХБОРОТ ХУРУЖИ

***Уни ким қандай тушунади?***

Сўнгги йилларда "мафкуравий иммунитет" атамаси сиёсат ва мафкурага оид адабиётларда кенг қўлланилмоқда. Унда шахс, миллат, жамият, давлатни турли зарарли ғоявий таъсирлардан ҳимоя қилувчи ғоявий-назарий қадриятлар ўз ифодасини топган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бошланғич билим ва кўникмаларимиз оила билан боғлиқ. Эшитган эртакларимиз – адабиёт билан дастлабки танишув бўлса, санашни ўрганиш – математиканинг илк сабоғидир. Шулар қаторида турли хил "ахборот хуружлари"дан ҳимояланиш учун мафкуравий иммунитетни ошириш муаммоси ҳам оила тарбиясидан четда қолмаган. Оналаримиз илк бора нима яхши-ю нима ёмонлигини ўргатишган. Мана бу яхши, буниси – ёмон... Ёмон болаларга қўшилма, мана бу гапдан эҳтиёт бўл, унга ишонма ва ҳоказо. Шу тариқа мурғак қалбимизда бўлмағур гап-сўзларга қарши иммунитет пайдо қилишган.

Бугун компьютер технологиясининг ажиб мўъжизаси бўлган интернетнинг кўпгина ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий томонлари ҳам борлигини англаб етдик. Ўша салбий ҳолатларнинг ҳозирда энг хавфлиси – "ахборот хуружи"дир. Оилада ана шу "ахборот хуружи"га қарши қай тариқа иммунитет пайдо қилинган бўлса, Ватанга қарши хуружларга нисбатан ҳам ўз вақтида ёш авлод онгида тўғри тасаввур ҳосил қилиб бориш улкан заруриятга айланди.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимиздаги мавжуд таълим муассасаларида ёш авлодга ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружлари ҳақида маълумот бериб борилмоқда.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: "Болаларимизнинг онгини ва ҳаётини бузадиган, эртанги кунига мутлақо ишончини йўқотадиган мана шундай ғояларга қарши биз қурол билан эмас, ғоя билан курашишимиз зарур. Бизнинг ғоямиз кучли бўлиши лозим. Авваламбор, ўзимиз, ҳаётнинг ўзида синалган ўз ғоямизга ишониб майдонга чиқишимиз даркор".

Мутахассисларнинг фикрича, ахборот-психологик хавфсизлик – бевосита руҳиятга таъсир ўтказиш орқали инсонни ўз ақидалари, муқаддас идеаллари ва эътиқодидан айирадиган бузғунчи ғоялардан асрашдир. Демак, ахборот-психологик хавфсизликка эҳтиёж, энг аввало, бевосита инсон ва жамият, инсон ва давлат, шахс ва унинг дахлсизлиги, миллат ва миллий қадриятлар, жумладан, урф-одатлар, анъаналар, тарихий ва маданий мерос, авлодлар ворисийлиги, миллатнинг истиқболи билан боғлиқ бўлган қадриятларга маънавий-руҳий таъсир кўрсатувчи бузғунчи ғоялар ва тажовузкор мафкуралар мавжудлигидан келиб чиқади.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, мафкуравий таҳдид мафкуравий хавфсизликни тақозо этади. Сўнгги йилларда нашр этилаётган луғатларда ушбу тушунчаларнинг таърифлари ўрин олган. Жумладан, уларнинг бирида "мафкуравий хавфсизлик – шахс, миллат, жамият, давлатнинг хилма-хил шаклларда намоён бўладиган мафкуравий тажовузлардан, турли мафкуравий марказларнинг бузғунчилик таъсиридан ҳимояланганлик даражасини тавсифловчи тушунча" экани баён қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг ахборот хавфсизлиги деганда унинг шахс, жамият, давлат манфаатлари ва миллий манфаатларимизнинг ҳимояланганлик ҳолати тушунилади.

Мамлакатимизда ахборот хавфсизлигини ҳуқуқий таъминлаш базаси изчил шакллантириб борилаётгани эътиборга моликдир.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ҳаммамизга маълумки, ҳар қайси давлатнинг чегараларини дахлсиз сақлашда ҳарбий куч-қудрат, қуролли кучлар сув билан ҳаводек зарур. Аммо, халқимиз, авваламбор, ёш авлодимиз маънавий оламининг дахлсизлигини асраш учун биз нималарга таяниб-суяниб иш олиб боришимиз керак, деган савол бугун барчамизни ўйлантириши табиий. Бунинг учун бепарволик ва лоқайдликка йўл қўймаслик, ҳушёр бўлиш, халқаро майдонда содир бўлаётган жараёнларнинг туб моҳиятига етиб бориш, улар ҳақида холис ва мустақил фикрга эга бўлиш, миллий ахлоқий қадриятларимизни сақлаб қолиш, ахборот хуружларига қарши курашиш зарур бўлади. Бу ўз навбатида, ёшларимиз онгига қарши қаратилган турли хуружлардан ҳимояланишга хизмат қилади.

**Баҳром АЗИЗОВ.**



# БОРДОНКЎЛДА ТИНЧЛИК САБОҒИ

❑ Давра суҳбати

*Ёш авлодни турли мафкуравий ва ғоявий таъсирлардан асраш мақсадида Юқори Чирчиқ туманидаги Бордонкўл қишлоғида "Халқимизга тинчлик, омонлик керак" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.*

Тадбирда маҳалла фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатлари, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаси вакиллари, ота-оналар ҳамда ёшлар иштирок этди.

– Юртимиз осмони мусаффо, халқимиз тинч ва фаровон ҳаёт кечирмоқда, – дейди 18-умумтаълим мактаби директори Гулистон Айтекова. – Ёшларимиз учун яратиб берилаётган барча шарт-шароит, имкониятлардан барчамиз мамнунмиз. Фарзандларимизнинг ёруғ келажагидан кўнглимиз тўқ.

Тадбир сўнгида "XXI аср фитнаси" номли фильм намойиш этилди.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

## Академик Абдулаҳад Муҳаммаджонов

Мамлакатимиз илм-фани оғир жудоликка учради. Тарих ва археология фанлари соҳасидаги йирик олим, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги Абдулаҳад Муҳаммаджонов 85 ёшида вафот этди.

А. Муҳаммаджонов 1931 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. 1951 йили Ўрта Осиё давлат университетини (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) тугатиб, Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти (ҳозирги Шарқ қўлёзмалари маркази) аспирантурасида таҳсил олди. 1955 йилда номзодлик, 1977 йилда докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг аъзоси этиб сайланди.

Заҳматкаш олим ўзининг 60 йилдан ортиқ илмий-педагогик фаолияти давомида Фанлар академиясининг Археология, Тарих институтлари директори, Фанлар академияси вице-президенти, Ўзбекистон Миллий университети профессори каби лавозимларда самарали меҳнат қилди, юртимизда тарих ва археология фанларининг долзарб назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш, юқори малакали илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ишига муносиб ҳисса қўшди.

А. Муҳаммаджоновнинг халқимизнинг қадимий тарихи, бой маданиятини, юртимизда шаклланган суғорма деҳқончилик анъаналарини археологик жиҳатдан ўрганишга бағишланган кўплаб китоб ва монографиялари, мақола ва рисолалари илмий жамоатчиликка яхши маълум.

Меҳрибон ва талабчан устоз сифатида кўплаб ёшларга илм-фан сирларидан сабоқ берган олимнинг бевосита раҳбарлигида ўнлаб фан докторлари ва фан номзодлари тайёрланган.

Атоқли олим, ўз касбининг фидойиси, камтарин инсон Абдулаҳад Муҳаммаджоновнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**И. КАРИМОВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, Ш. МИРЗИЁЕВ, Ш. СОЛИҲОВ, Э. РТВЕЛАДЗЕ.**

## АСЛИДА АРИЗАЧИ ҲАҚ ЭКАН

*Вилоят прокуратураси органлари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиб, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан кескин чоралар кўрмоқда.*

### Қонун ҳимоясида

Хусусан, фуқаро С. Абдуллаевнинг Қибрай тумани ҳокимлиги мансабдор шахслари хатти-ҳаракати ва тендер танловидан норози бўлиб ёзган мурожаати кўриб чиқилди. Аниқланишича, Қибрай тумани "Қибрай ОАЗИС" СИУ ҳудудидаги жами 7,78 гектар ер, шундан 7,19 гектар боғ фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер ажратиш юзасидан ўтказилган тендер танловлари натижасига кўра, фуқаро Ф. Милиевга туман ҳокимининг 2015 йил 13 ноябрдаги қарори билан бериб юборилган.

Ҳолбуки, туман ҳокимининг ушбу қарори Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2005 йил 19 ноябрда рўйхатдан ўтказилган "Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида"ги Низомнинг 20-банди талабига зид равишда қабул қилинган. Шу боис, уни бекор қилиш хусусида вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилиб, аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш хусусида тақдимнома киритилди.

Протест қаноатлантирилиб, туман ҳокимининг 2015 йил 13 ноябрдаги қарори бекор қилинди ва юқорида қайд этилган жами 7,78 гектар ер майдони С. Абдуллаевга фермер хўжалиги ташкил этиш учун ажратилди.

**У. КАРИМОВ,**
**вилоят прокуратураси бўлим прокурори.**

### Бандлик

## БИТИРУВЧИЛАР ИШ БОШЛАЙДИ

*Пискент агросаноат ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида навбатдаги бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.*

Унда 66 та корхона, ташкилот ва муассаса томонидан иштирокчиларга 800 дан зиёд бўш иш ўринлари таклиф этилди.

Таъкидлаш керакки, аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган махсус дастур асосида туман ҳокимлиги, прокуратура, бандликка кўмаклашиш маркази, ўқув муассасалари ҳамкорлигида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, банд бўлмаган фуқаролар, шунингдек, Қуролли Кучлар сафидан захирага бўшатилган ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, 2015 йилда ташкил этилган ярмаркалар давомида 300 дан ортиқ киши доимий иш билан таъминланди, 180 дан ортиқ ёшларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун имтиёзли банк кредитларини олишда ёрдамлашилди, 100 дан ортиқ иштирокчиларга касб ва мутахассисликлар ҳамда меҳнат қонунчилиги, ижтимоий муҳофаза масалаларига оид маслаҳатлар берилди.

Навбатдаги ярмаркада 2016 йилда тумандаги касб-ҳунар коллежларини битираётган 1051 нафар ёш ҳамда 325 дан ортиқ иш билан банд бўлмаган фуқаролар иштирок этди.

Тадбир давомида 30 га яқин ёшлар ишга жойлашиш учун йўлланмага эга бўлди. Ўз бизнесини бошлаш истагида юрган 45 битирувчига банклардан имтиёзли кредит олиш юзасидан зарур тавсиялар берилди, 20 дан ортиқ мурожаатлар шу жойнинг ўзида кўриб чиқилди.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

## КЎНГЛИ ОБОДНИНГ ЮРТИ ОБОД

*Халқимизда "Ер – хазина, меҳнат – унинг калити", деган ҳикмат бор. Ҳақиқатан ҳам, билиб меҳнат қилганга бўйрадек ер ҳам даромад манбаи, билмаганга эса...*

### Томорқа – туганмас хазина



Вилоятда томорқасининг ҳар қаричидан самарали фойдаланиб, рўзғорига барака киритаётган оилалар кўп. Шулардан бири Зангиота тумани "Ўрта" маҳалласида яшовчи Жўрахон Қўрғоновадир.

11 фарзандни тарбиялаб ўстирган ая ўғил уйлантириб, қиз чиқаришда, уларни уйли-жойли қилишда томорқа асқотганини алоҳида таъкидлайдилар. Фарзанд ва келинлар турли соҳаларда ишласаларда, бўш пайтларида ҳовлиларидаги мўъжазгина томорқадан дастурхонлари тўкин-сочинлигини таъминлашмоқда. Уларга нафақадаги онахон бош. Плёнка остида етиштирилган кўкатларни сотиб тугатишлари билан ўрнига редиска, помидор, салат барги ва бошқа сабзавотлар экишади. Яхшигина даромад қилишади. Оғилхонадан қорамолнинг туёғи узилмайди. Онахон: "Сигирнинг сут-қатиғи ўзининг емишини кўтаради, боласи эса қўшимча даромад келтиради", дейдилар.

Томорқанинг этагидаги токлар, ҳовлидаги дид билан буталган мевали дарахтлар ҳар йили мўл ҳосил беради. Бу дарахтларни ҳам Жўрахон аянинг ўзлари экканлар. Онахон кўча ёқаларини ҳам бўш қолдирмай, мевали дарахтларни кўпайтирадилар. Ҳаммаси асл кўчатлар, денг. Чунки уларни онахоннинг ўзлари пайванд қилганлар. Қўни-қўшниларнинг кўчатларини ҳам пайвандлаб беришдан эринмай, парвариш қилиш сирларини ўргатадилар.

– Айрим одамлар: "Яхши кўчат сотиб олгандим, эксам, кўкармади" дея нолишади, – дейдилар Жўрахон ая. – Кўчат экишнинг ҳам йўл-йўриқлари бор. Баъзи кўчатлар кузда, айримлари баҳорнинг маълум вақтида экилса, яхши тутади. Кўчат экаётганда ерни қазиб бўлгандан кейин хандаққа ернинг устки тупроғидан бир кетмон ташлаш керак. Бу унумдор тупроқ кўчатларга керакли озуқани бериб, тез ундиради.

Ишнинг кўзини биладиган бундай хонадонлар "Гулбоғ" маҳалласида ҳам бор. Атрофи кўркам, обод бўлишини истайдиган одам борки, гул экади, парваришлайди. Шоира Раҳматиллаева ҳам гул ўстиришга ёшлигидан қизиққан. Беш-олти йилдирки, 3 сотихлик иссиқхонасининг бир бурчагини гулларга ажратган.

Тиниб-тинчимайдиган Ш. Раҳматиллаева қўшнисига ҳавас қилиб, 3 йил олдин лимон экди. Улар ўтган йили нишона кўрсатиб, ҳар тупида 6 тадан 12 тагача ҳосил тугди. Ҳозир 32 туп лимоннинг ҳосили пишиб, иссиқхонани ёқимли ҳидга буркаган.

– Лимон у қадар инжиқ дарахт эмас, вақтида зарур ўғитларни бериб, яхши қаралса, гуркираб ўсаверади, – дейди у. – Аммо совуқдан "қўрқади", ўта иссиқ ҳаво ҳам ёқмайди. Бу ишда муҳими, иссиқхонадаги нам ҳавони меъёрида ушлаб туриш, шу билан бирга, вақти-вақти билан шамоллатишга эътибор қаратишдир. Шунда ҳосил мўл бўлади. Лимонлар орасидаги бўш ерларга турли кўкатлар ва помидор экиб қўяман. Рўзғордан ортганини бозорга чиқараман.

– Маҳалламизда 406 хонадон бор, – дейди "Гулбоғ" маҳалласи раиси Қўчқор Мўминов. – Деярли барча хонадонда мўъжазгина томорқа бўлиб, камида 5-6 тупдан мевали дарахт бор. Бу йилдан қовоқ экишни тарғиб қилаяпмиз. Чунки, қовоқ инсон саломатлиги учун жуда фойдали. Бир донишманд айтган экан: "Кимки ҳар доим ёш ва гўзал бўлиб юришни истаса, қовоқ ейишни канда қилмасин".

Қишлоқда чорвачилик ва паррандачиликка эътибор катта. Хонадонлардаги 2 мингдан зиёд қорамол аҳолининг гўшт, сутга бўлган эҳтиёжини қондирмоқда. Ботир Шукуров, Бахтиёр Тошқўзиев кўп йиллардан бери чорвачилик билан шуғулланишади. Шариф Ёқубов паррандачилик билан машғул.

Бир сўз билан айтганда, томорқадан самарали фойдаланиб, қўшимча даромад олаётган бундай хонадонлар кўпайиб бораяпти. Улар ўз меҳнати, ташаббускорлиги билан нафақат рўзғорини, балки жонажон юртимизни фаровон қилмоқдалар. Кўнгилнинг ободлиги шу эмасми, аслида?

**Нозима АРСЛОНОВА.**

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

ЭЪЛОНЛАР


**"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Яккасарой тумани СИБ томонидан Фуқаролик ишлари бўйича М. Улуғбек туманлараро судининг 22.02.2016 йилдаги 1-276/16-сонли ижро варақасига асосан, бошланғич нархи – 116 250 000 сўм бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, М. Турғунбоева кўчаси, 73-уйда жойлашган, юридик ҳужжат бўйича ер майдони 450 кв.м., қурилиш остидаги участка майдони 163,26 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 49,52 кв.м., яшаш майдони 38,18 кв.м.дан иборат бўлган тураржой (ҳовли) қўйилмоқда. Аукцион савдолари 2016 йилнинг 10 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатлар расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли хужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: № 0039.

**"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига:

I. Тошкент вилояти Ангрен шаҳар Суд ижрочилари бўлими томонидан, Тошкент вилояти, Ангрен шаҳар ИИБ жарима майдончасида сақланаётган: 1. 10.12.2010 й. 1049/10-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси – 4 718 651,80 сўм бўлган, 1983 йилда и/ч., дав/рақ. 11А6717, "Камаз 5320" русумли, техник носоз; 2. 05.10.2012 й. 7559/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси – 983 566,33 сўм бўлган, 1980 йилда и/ч., дав/рақ. 10Т297СА, "ВАЗ-21011" русумли, техник носоз; 3. 15.10.2012 й. 7983/12-сонли ижро ҳужжатига асосан, бошланғич баҳоси – 769 021,31 сўм бўлган, 1985 йилда и/ч., дав/рақ. Т8305ТШ, "УАЗ-469Б" русумли, техник носоз автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 21 апрель куни соат 11.00 да ўтказилади.

II. Тошкент вилояти Зангиота тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: 29.07.2015 йилдаги 1-446-2015-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Кўк-Терак Матлубот Инвест" МЧЖ жарима майдончасида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 5 084 000 сўм, 1985 и/ч., дав/рақ. 10Y574BA бўлган, "ВАЗ-21063" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

III. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: 29.06.2015 йилдаги 11-1509/4875-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Янги турмуш" ҚФЙ манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси – 54 093 000 сўм, 2012 и/ч., дав/рақ. 10/050NAA бўлган, "Малибу" русумли автотранспорт воситаси савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 май куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 21 апрель куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 19 апрель соат 16.00 гача; 2016 йил 5 май куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 3 май соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

2016 йил 10 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан № 15117-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, (Май) Зафаробод ҚФЙ ҳудудида атрофи девор билан ўралган ерда жойлашган "YUTM PARRANDA" МЧЖнинг 159 дона бино ва иншоотлари. Бошланғич баҳоси: 85 550 261 227 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдолар бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси - "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖнинг ХАТБ "Universal bank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904936050003, МФО 00996, ИНН 207125885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлалигича тўлаши шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: (8371) 233-09-38. Ички: 258.

Лицензия: RR-0052.

**"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига:

I. Тошкент вилояти Янгийўл тумани СИБ томонидан:

1. 2014 йил 1 октябрдаги 1-487/2014-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, А. Ортиқов ҚФЙ, 8/153-сонли уй манзилида жойлашган, умумий майдони 79,43 кв.м. бўлган "дала ҳовли" аукцион савдоларига такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 35 888 354,91 сўм.

2. Жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман судининг 2011 йил 28 октябрдаги ҳукмига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, "Файз" дала ҳовли уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони 0,0611 Га бўлган, 0001 литердан иборат 14-сонли дала ҳовли бино ва иншоотлари савдога такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 9 533 147 сўм.

3. 2015 йил 25 мартдаги 1-1108/14-сонли ижро ҳужжатига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод ҚФЙ, Бобур маҳалласи, "Apex Tech Trading" МЧЖ ҳудудида жойлашган: 1,21 Га ер майдонида жойлашган: Литер 0001-нотурар бино, Литер 0005-нотурар бино, Литер 0006-бостирма, Литер 0007-нотурар бино, Литер 0008-бостирма, Литер 0010-тарозихона биноси, Литер 0011-тарози биноси, Литер 0012-коровулхона биноси, Литер 0013-насос иншооти, Литер 0014-бостирма, Литер 0015-ёрдамчи бино, Литер 0016-ҳожатхона, Литер 0017-насос биноси, Литер 0018-сув тозалаш ҳовузи ва тўсиқ девордан иборат "Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаб чиқариш цехи" бино ва иншоотлари савдога такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси – 1 676 492 635,23 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 21 апрель куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

II. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан: 29.06.2015 йилдаги 11-1509/4875-сонли ижро варақасига асосан хатланган: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, "Янги турмуш" ҚФЙ манзилида жойлашган: умумий ер майдони 0,10 га, қурилиш майдони 472,95 кв.м.дан иборат бўлган нотурар "бино ва иншоотлар" савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 250 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 5 май куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 21 апрель куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 19 апрель соат 16.00 гача; 2016 йил 5 май куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 3 май соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Лицензия: RR-0148.

## ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли Фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тўғрисидаги Низом"га асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган ДИРЕКТОР ЛАВОЗИМЛАРИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

| Т/р | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Паркент тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи | Паркент тумани, Истиқбол мавзеси, А.Навоий шоҳкўчаси |
| 2. | Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи | Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй |

**Танловда** олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларида камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот); таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, КҲКнинг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Таълим муассасаси йўналиши бўйича илмий даража ёки илмий унвонга эга бўлганда раҳбар лавозимларидаги шахсларга иш стажи талаб қилинмайди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ ЛАВОЗИМИГА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига **ТАНЛОВ** эълон қилади:

**Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосарлари:**

*1. Зангиота озиқ-овқат касб-ҳунар коллежи;*
*2. Бекобод енгил саноат ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи;*
*3. Байтқўрғон хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;*
*4. Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи;*
*5. Қуйи Чирчиқ ижтимоий-иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи;*
*6. Чингелди маиший хизмат касб-ҳунар коллежи.*
*7. Зангиота транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи.*

**Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари:**

*1. Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи;*
*2. Чиноз қурилиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи.*

**Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосарлари:**

*1. Янгийўл қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи;*
*2. Пискент қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи;*
*3. Зангиота хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи.*

**Директор ўринбосари лавозимига танловида иштирок этувчи номзодлар:**

**а) ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига** академик лицей, КҲКнинг таълим йўналишларидан камида биттаси ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан, малакавий даражаси катта ўқитувчидан кам эмас;

**б) маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига** ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас;

**в) ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига** КҲКнинг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот ва 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган номзодлар иштирок этишлари ҳамда 2008 йил 13 декабрда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1845-1-сон билан рўйхатга олинган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимлари асосий лавозимларининг малака талабларини қўллаш бўйича йўриқнома" малакавий талабларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги 341-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ходимлари асосий лавозимларининг малака тавсифлари" малака талабларига жавоб бериши керак.

**Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:**

*1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;*
*2. Сўровнома асли (сўровноманинг барча бандлари аниқ, тўлиқ ва қисқартиришларсиз ўз қўли билан тўлдирилиши керак);*
*3. Таржимаи ҳол (қўлёзма);*
*4. Маълумотнома (справка-объективка);*
*5. Меҳнат дафтарчасининг асли ёки нусхаси (кадрлар бўйича инспектор томонидан тасдиқланган ҳолда);*
*6. Диплом нусхаси (тамомлаган олий таълим муассасаси томонидан дипломнинг ҳаққоний эканлиги ҳақида гербли муҳри билан тасдиқланган маълумотнома);*
*7. Тиббий кўрикдан ўтганлиги тўғрисидаги маълумотнома форма-086 асли;*
*8. ИИБдан маълумотноманинг асли;*
*9. Илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхаси (уларнинг ҳаққонийлигини тасдиқловчи ҳужжат);*
*10. Паспорт нусхаси;*
*11. Ҳарбий гувоҳнома нусхаси (45 ёшгача);*
*12. 6 та фотосурат (3х4);*
*13. ИНН, пенсия жамғариб бориладиган дафтарча нусхалари;*
*14. Концепция (номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси).*

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қорамурт кўчаси, 1-уй. Маълумот учун телефон: 150-40-37.**

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига

# АБАДИЯТ НУРИ



"Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унутган миллатнинг келажаги йўқ". Бу пурмаъно сўзлар бугунги кунда истиқлол туфайли ўзлигини англаб, порлоқ келажак сари дадил одимлаётган халқимиз тимсолида янада теранлик касб этмоқда. Зеро, тарихимизни холислик билан ўрганиш асносида яқин ўтмишда ким эдигу бугун ким бўлганимизни англадик.

Биргина вилоятимизнинг Оққўрғон туманидаги Шоҳрухия қадамжосининг ўзи ҳақида соатлаб сўзлаш мумкин. Оҳангарон дарёсининг Сирдарёга қуйиладиган хушманзара жойларида қад кўтарган қадимий Бинокент босқинчи чингизийларнинг шафқатсизлиги, қонхўрлиги туфайли вайрон этилган, аҳолиси қириб ташланган эди. Уни қайта тиклаб, бутунлай янги, гўзал шаҳар бунёд этган Амир Темур бобомизнинг жасорати энди ҳеч кимга сир эмас.

Мустақиллик қайтариб берган ўзлигимиз, миллий ғуруримиз меҳробидаги энг ёрқин жавоҳир – Соҳибқирон Амир Темур таваллуди кунлари арафасида ушбу табаррук қадамжо – Шоҳрухия зиёрати буюк саркарда ва унинг авлодлари хотирасини ёд этиш мақсадида уюштирилди. "Абадият нури" деб номланган ушбу илмий-амалий анжуман бу йил ўн еттинчи бора ўтказилмоқда.

Тадбир ташкилотчиларидан бири – Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раҳбари Зарифа Эшмирзаева эрта тонгдан Оққўрғонга йўл олган анжуман иштирокчиларига мурожаат этар экан, ҳаяжонини яширолмайди...

– Вилоятимизда ўтмишдан дарак берувчи тарихий ёдгорликлар, табаррук қадамжолар кўп, – дейди Зарифа опа. – Айниқса, қадимий Шоҳрухия юрагимизнинг бир парчасига айланган. Ҳов, ана, узоқлардан кўриниб турган Шоҳрухия тепаликларидан биз томонга боқиб турган нигоҳларни пайқаяпсизми? Гўё, улар биз билмаган яна қандайдир тарих сирларини ошкор қилмоқчидек...

Шукрки, тарихимизни эмин-эркин ўрганиш, ҳақиқат ойнасида кўриш насиб этди. Қадриятларимиз, аждодларимизнинг моддий-маънавий мероси, ноёб ёдгорликлари давлат муҳофазасига олинди. Буюк сиймоларнинг маънавий мероси халқимизнинг асл бойлиги сифатида эътироф этилди.

Анжуманда оққўрғонлик ёшлар "Соҳибқирон Амир Темур – адолат тимсоли", "Амир Темур шажараси", "Амир Темур қолдирган буюк мерос", "Шоҳрухия – Амир Темур асос солган шаҳар" каби маърузаларни катта қизиқиш билан тингладилар.

Тадбир давомида вилоят, туман ҳокимликлари, Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фонди, республика Маънавият тарғибот маркази ва "Маҳалла" жамоат фонди вилоят бўлимлари, шунингдек, тумандаги агросаноат касб-ҳунар коллежи жамоаси аъзолари Шоҳрухия харобалари бўйлаб оҳиста юрар эканлар, ўз даврида атрофлари мустаҳкам мудофааланган, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланган, гўзал боғроғлари билан машҳур бўлган шаҳарнинг 600 йиллик тарихи билан юзма-юз тургандек, чуқур ҳаяжонда эдилар.

– Мана бу пишиқ ғиштли девор қолдиқларига эътибор беринг, – дейди ёзувчи Ҳаким Сатторий. – Нақ мўъжизанинг ўзи. Ҳали бу ерда олиб бориладиган изланишлар натижасида аждодимизнинг бунёдкорлик салоҳиятидан дарак берувчи яна қанча-қанча археологик қазилмалар топилиши аниқ.

Албатта, Шоҳрухия Соҳибқирон бобомиз олиб борган бемисл бунёдкорлик ишларининг бир қирраси, холос. Бунга амин бўлиш учун Амир Темурнинг "Қаерданки бир ғишт олсам, ўрнига ўнтасини қўйдим, бир дарахтнинг ўрнига ўнтасини эктирдим", деган сўзларини эслашнинг ўзи кифоя.

Тадбир сўнгида иштирокчиларга тарқатилган "Буюклик йўли" китоби мана шундай улуғ ишлар ҳақида ёшларга сабоқ бериши аниқ.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# АДОЛАТ ТАРОЗУСИ

*Шаҳару қишлоқларимиз бўйлаб кўкламнинг ардоқли айёми – Наврўзи олам давом этаяпти. Юртимизда байрамлар кўп, аммо унинг ўрни, файзи, тароватi бошқача. Негаки, ўн саккиз минг оламнинг эгаси бутун борлиқни бир қонуниятга бўйсундириб қўйган.*

Чоршанба ҳикмати

Қарангки, биз Наврўзни нишонлайдиган кунда улкан самовий ҳодиса рўй беради. Қуёш Ҳутдан чиқиб, Ҳамал буржига киради. Кун ва тун тенглашади. Она табиат билан бир бутунликда яшаб келган аждодларимиз ана шу табиат ҳодисасида ҳикмат кўриб, айнан шу кундан деҳқончиликни бошлашган. Ерга яхши ният билан уруғ қадалган, боғлардаги дарахтларга зеб берилиб, янги ниҳоллар ўтқазилган. Демак, бизда янги меҳнат мавсуми айни шу паллада бошланган.

Соҳибқирон Амир Темур мўғул истибдодига нуқта қўйиб, тахтга ўтираркан, биринчи галда Наврўзни тиклади, уни давлат миқёсида ўтказиладиган тадбирга, тантанага айлантирди. Сабаби, марказлашган давлат барпо қилиш, Мовароуннаҳр, Хуросоннинг пароканда халқи руҳини кўтариш, якдил қилиш, бир туғ остида жипслаштириш учун бу ҳаётий зарурат эди. Тарихнинг қайталанишини қарангки, сўнгги истибдод даври ҳам Наврўзни "ҳазм" қилолмади, уни тақиқлади, камситди, одамлар онг-шууридан қувиб ташлашга уринди. Сабаби – Наврўз бобомерос қадрият эди. Бу миллийлик замирида илму фанда ҳам, бунёдкорликда ҳам, ҳарбу зарбда ҳам дунёни лол қолдирган боболар руҳи, оташ нафаси яшаб келаётган эди-да...

Яратганга шукрки, ҳаммаси ортда қолди. Нурнинг зулмат, қуёшнинг зимистон устидан қилган тантанаси янглиғ, ҳақиқат ғолиб келди. Адолат тарозуси тикланди, Наврўзимиз яна кишандан озод бўлди. У давлат миқёсида нишонланадиган ҳақиқий байрамга, умумхалқ шодиёнасига айлантирилди. Бу байрамнинг бош тадбири Навоий бобомиз номи билан аталувчи Миллий боғда, ҳазратнинг муаззам ҳайкали қаршисида ўтказилишида ҳам улкан ҳикмат бор: "Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг ўлсун Наврўз!"

Бу Ҳазрат бобомизнинг буюк тилаги, истаги, дуосидир. Яна бобокалон шоиримиз: "Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиқ, ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиқ иш", дея хитоб қилиб турибдилар.

Кўҳна тарих гувоҳ: бу боқий қадрият икки бор халққа қайтарилди. Бундай тарихий жасоратга буюк Соҳибқирон бобомиз ва муҳтарам Юртбошимиз азму қарор қилганлар.

**Хайрулла ТУРМАТОВ,**
**Тошкент вилояти бош имом-хатиби.**

Хушхабар

*Дзюдо бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Диёрбек Ўрозбоев ва Дилшод Чориев Туркиянинг Самсун шаҳрида ўтказилган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда бронза медални қўлга киритди.*

# ВАКИЛЛАРИМИЗ СОВРИНДОРЛАР САФИДА



Нуфузли турнирда олтмишдан зиёд давлатдан тўрт юзга яқин спортчи совринли ўринлар билан бирга жорий йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларига йўлланма берувчи рейтинг очколари учун ҳам беллашди.

Вазни 60 килограммгача бўлган дзюдочилар беллашувида қатнашган Диёрбек Ўрозбоев мўғулистонлик Амартувшин Баяраа, грузиялик Лухуми Чхвимянини енгиб, мезбон спортчи Бакир Озлуга имкониятни бой берди. Бронза медаль учун кечган беллашувда беларуслик Ориф Багиров ва франциялик Винсент Лимарни мағлуб этди.

90 килограмм вазн тоифасида Дилшод Чориев беларуслик Ихар Жукау, швейцариялик Сирил Гроссклаус, испаниялик Николоз Шеразадишвилини мағлуб этиб, россиялик Ҳусен Холмирзаевга имкониятни бой берди. Учинчи ўрин учун кечган беллашувда польшалик Патрик Чехомски устидан ғалаба қозонди.

**Б. АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# САНЪАТ ЖОЗИБАСИ

*Ёқимли куй янграмоқда. У сизни аллалаб, кўнгил кўчаларига етаклайди. Ташвишларингизни унутиб, хаёлот оламига шўнғийсиз. Қалбингиз таскин топади, ҳорғинлик ариб, тетиклашасиз. Зеро, у одамларга соғлиқ улашувчи сеҳрли мўъжиза.*

Эътибор

Омонбек Рихсимбоев болалигидан мусиқага ошуфта бўлиб улғайган ёш истеъдодлардан. Биласиз, ижодкорлар оиласида туғилган фарзанд санъатга бефарқ бўлмайди. Онаси Нилуфарнинг дуторда, акаси Отабекнинг фортепьянода куй чалиши Омонбекнинг қалбида мусиқага меҳр уйғотди. Бу ошуфталик уни Чирчиқ шаҳридаги 15-Болалар мусиқа ва санъат мактабига етаклаб, кларнет чолғу асбоби бўйича таҳсил ола бошлади.

– Ишонасизми, куйни тинглаб, бир завқлансангиз, уни ўзингиз ижро этганда ўн завқланасиз, – дейди Нилуфар Исроилова. – Санъат инсонни камолотга етаклайди. Шу боис фарзандларим изимдан боришаётганидан хурсандман.

Дарвоқе, бу аёлга чолғучилик бобомерос. Мана энди 15-мусиқа ва санъат мактабида ҳам раҳбар, ҳам ўқитувчи. Шу чоққача 50 дан ортиқ шогирд етиштирди. Яна уч шогирди ўзи билан бирга ишламоқда.

– Ўғлим кларнетчи бўламан, деганида эътироз билдирмадим, – дейди у. – Чунки, бола иқтидорига қараб йўналтирилсагина, келажакда яхши натижа кутиш мумкин. Қолаверса, кларнетнинг инсон саломатлигига ҳам фойдаси кўп.

Сўнгги йилларда юртимизда Омонбек сингари минглаб қобилиятли ёшларни қўллаб-қувватлаш учун барча имкониятлар



яратилаётир. Шу боис, улар нафақат республика, балки халқаро танловларда ҳам юқори ўринларни эгаллаб, устозлари ва ота-оналари ишончини оқлашмоқда. Жумладан, Омонбек Санкт-Петербургда ўтказилган танловда учинчи, Сочида эса биринчи ўринни қўлга киритди. 2015 йилда Баку шаҳрида ўтказилган танловда франциялик бастакор И. Бара ва Озарбайжон композитори У. Гажибеков басталаган куйларни маҳорат билан ижро этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

– Бу каби ютуқларни қўлга киритишимда устозим Жасур Жумаев ва онамнинг хизматлари катта, – дейди Омонбек. – Уларнинг менга бўлган ишонч ва далдалари ўз устимда кўпроқ ишлаб, бундан-да, юксак натижаларга эришишимга мадад беради.

Омонбекнинг сўзларини тинглар эканмиз, Президентимизнинг: "Биз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак", деган фикрлари ёдимизга тушди. Нилуфар Исроиловани шундай оналардан бири десак, муболаға бўлмайди. Унинг фарзанди иқтидорига эътибори Омонбекни ўз устида тинимсиз ишлаш ва изланишга руҳлантириб, юксак марралар сари етакламоқда. Унинг парвози баланд, борар манзили аниқ.

**Жамила РАҲИМОВА.**

*Даврон АҲМАД олган сурат.*

Ҳангома

# САМОВАРКАРНАЙ

Эсонбойнинг уй тўйига бормасам, боз устига, ҳафта ўтмай, каттароқ лавозимга кўтарилиб кетмасам, бу савдолар қаёқда эди?!

Эсонбой янги қурган уйига чақирди. Ҳамкасблар биллалашиб бордик. "Суюқ-қуюқ" яхши бўлди. Бир қариндоши сурхондан "тандир" юборган экан, уни ҳам "омонлиқ-сомонлиқ" қилдик.

Бир ҳафта ўтмай, каминани туман ободонлаштириш бошқармасига кўтарворишди. Янги идорада ҳали ўрнимга ўрнашиб ўрнашмай эшигимдан биринчи бўлиб Эсонбойнинг қораси кўринди.

Салом-аликни қуюқ қилган собиқ ҳамкасбим фурсатдан фойдаланиб, "кичик бир илтимоси"ни "изҳор айлади":

– Биласиз, қиёмат кун – қўшнидан, деган гап бор, – деб салмоқланиб бошлади дардини. – Ҳеч иши юришмаган бир қўшнимиз бор, денг. Ўзлари асли водийдан. Исмлари Аҳмадали. Тўрт боласи бор. Яқинда қизини узатадиган. Темир-терсак йиғадиган бир идорада тузуккина ишлаб юрувди, раҳбари ўзгариб, чиқиштирмай қўйибди-да, касофат! Ўзи қўли гул, пазанда йигит. Ўн бармоғида ўн ҳунари бор. Этгандек, уй тўйимизга борганингизда ўчоқ бошида куймаланиб юрган одамга кўзингиз тушгандир, ўша йигит-да, Аҳмадали. Аммо-лекин, ўша куни шўрвани тоза боплабдида, азамат.

Эсонбойнинг хонадонидаги меҳмондорчиликда ичганим – хуштаъмгина илик шўрванинг мазаси оғзимга келгандек, бир тамшаниб қўйдим. Сўнг, "лағмончўзди" қилмай мақсадга кўча қолинг", дегандек гапини бўлдим:

– Хўш?

Эсонбой бамайлихотир давом этди:

– Шу, темир-терсак идораси раҳбарига бир "тилпон" қилсангиз, қўшнимизни сал-пал қўллаб турса, дегандим.

Вақтим зиқроқ эди, "хўп" деб ваъда бериб юбордим. Эсонбой эса бафуржа маслаҳат берди:

– Сиз иши кўп одамсиз, кейин эсингиздан чиқиб қолмасмикин, дейман. Шуни ҳозироқ айтиб қўя қолмайсизми? Иши битса, Аҳмадалига айтамиз, бир "анжанча ош" қилиб чақиради. Ўша кунги ошниям ўзи дамлаганди. Ошниям сайратворади, баттол!

Қарасам, қутулмайдиганман. Шаҳар телефонидан керакли рақамни тердим. Эсонбойнинг "пазандагина" қўшнисининг омади бор экан, ҳар қалай, темир-терсак йиғиш идорасининг раҳбари илтимосимизни тўғри тушунди: "Эртадан чиқиб ишлайверсин, гап йўқ!".

Ё уч, ё тўрт кун ўтди, зарур бир йиғилишдан келсам, қабулхонада каминани Эсонбой қўшқўллаб қарши олди. Таклиф қилганим йўқ, ўзи эргашиб хонага кирди.

– Эскиларнинг бир гапи бор, – дея бошлади эски танишим. Гапининг буровидан бунинг яна бир дарди борлиги шундоқ билиниб турарди. – Одам амалга ўтирган куни шу амалдан кетдим, деб ҳисоблаши керак экан.

Йиғилишдан гап эшитиб қайтгандим, Эсонбойнинг нималар деб валдираётгани мутлақо тушунарсиз, бинобарин, қизиқтирмас эди. Унинг эса бу билан иши йўқ, "фалсафа"сини келган жойидан давом эттирди:

– Бунинг ҳикмати шуки, инсон мансабдан қачон кетишини билмайди, шунинг учун имкон қадар бировларга яхшилик қилишга шошиб қолиши керак...

"Намунча "амримаъруф" ўқимаса. Бир бало бўлганми буларга..." Шу ўйда шарт гапини бўлдим:

– Мақсадга ўтинг, нима гап яна?

– Э, сўраманг, – ҳафсаласиз қўл силтади Эсонбой. – Ёмоннинг кучи япалоққа етибди. Қибрайдаги коллежда туппатузук ишлаб турган бир қўшнимиз бор эди. Ўзи қўл учида кун кўриб юрган бир муштипар, денг. Яна уч боласи бор. Жўжавурдек жон. Декретдан чиқиб, ишига борса, раҳбари ишга олмасмиш-да. Боласи шу ёзда иккига тўларкан. Бу қанақаси ахир? Раҳбар дегани туғуруқ таътилидан қайтган аёлни "безотказ" ишга олиши керак-ку, тўғрими?

– Тўғри, – деб юбордим гарчи бу гапларнинг ҳеч менга алоқаси бўлмаса ҳам. – Хўш, менга нима дахли бор бу гапларнинг?

Эсонбой ростмана ҳайрат билан боқди.

– Шунгаям бир қўнғироқ қилиб, ишини ҳал қилиб беринг-да энди, укажон. Ён қўшним – жон қўшним, ахир. Эшигиэшигимизга тўғри, денг, ҳар куни кўз-кўзга тушади-да...

– Бу кишиям қўшнингизми?

Эсонбойга жон кирди:

– Уй олма, қўшни ол, деганларича бор экан, вей! Қўшнилардан ёлчиганмиз-да. Барака топишсин, ҳаммалари! Уйга борганда кўрган бўлсангиз керак, ҳар ўтганда остонадаги оёқ кийимларни тўғирлаб, пойипатак бўлиб хизмат қилиб юрган сўлқиллама жувон бор эди-ку – Санобархон, шу-да!

– Бўлса бордир, – дедим ҳеч балони эслолмай. – Лекин, у аёл коллежда ишларкан, менга коллеж директори қулоқ солармиди? Мен маориф вазири бўлмасам ахир?

– Қулоқ солганда қандоқ! – Эсонбой бўш келмади. – Ахир, коллежнинг ахлатпахлатини сизнинг идора олиб кетадими?! Қани, бир ой хизмат қилманг, ифлоси бошидан тошиб, шармандаси чиқади.



Шунча кучим бор экан-у, билмаган эканман. Бир тарафдан Эсонбойнинг топқирлигигаям қойил қолдим. Таваккал, деб қўнғироқ қилувдим, коллеж раҳбари тушунган одам экан, илтимосимизни қабул қилди. Санобархон душанбадан ишга чиқадиган бўлди.

Хайрият, Эсонбой шу кетганча қорасини кўрсатмади. Аммо, икки ойлар ўтиб, телефон қилди. Ҳа, десам ҳовлиққанча алламбалоларни тушунтира кетди.

– Военкоматга келувдим, укажон. Икки уй наридаги қўшнимнинг норғулгина ўғли бор, денг. Шу бу йил хизматга кетиши керак эди, арзимаган баҳона билан қайтаришибди. Шу ерда кутиб тураман, военкомга бир "тилпон" қилинг, дўстим. Исми Аброржон, фамилияси... фамилияси... Ҳаҳ, эсимдан чиқди, Унсин кинначининг эрини оти нима эди-я...

Энсам қотиб, кинoя қилдим:

– Аброржон деганингиз, ҳув, уйингизга борганимизда, самоварни пуфлаб, чой қайнатган сариқмашак бола эмасми?

Эсонбойнинг овози жаранглаб кетди:

– Ҳа, ўлманг, топдингиз, худди ўзи-да!

Курсига "шилқ" этиб чўкдим. Энди бундан қутулиб бўлмайди. Яхшиси, военкомнинг телефонини қидира қолай...

**Муҳаммад АЪЛО.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-5589. Адади 12283. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.05.